

Саҳарда дуога берилинг

14:51 / 28.04.2017 2996

Ва улар саҳарларда истиғфор айтар эдилар. (Зарийат;18) Ояти каримада истиғфор айтишга саҳар вақтини хослаб қўйилганининг ҳикмати бор. Чунки саҳар вақтида дуо ижобат бўлувчиروқдир. Саҳар вақтида нафс соф, руҳ жамловчи, ибодат қилиш эса машаққатли бўлгани учун бу пайтда дуо ва истиғфор қабул бўлувчироқ бўлади. Ибн Касир роҳматуллоҳи алайҳи айтганлар: Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу тунда намоз ўқирди ва Нофеъга “Эй Нофеъ, саҳар бўлдими?”, дер эди. Агар Нофеъ “ха” деса, то тонг отгунча дуо ва истиғфорга киришар эди.

Қудратуллоҳ Сидиқметов